

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясига
ИЛОВА

**Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Амалдаги ҳолат	2026 йил	2028 йил	2030 йил	Масъул ижрочилар
1.	Давлат органларининг маълумотларни қайта ишлаш марказларида сунъий интеллект учун ажратилган қувватлар улуши	фоиз	-	5	7	10	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми	млн доллар	10	200	500	1 500	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Очиқ маълумотлар порталидаги статистик ва тармоқ маълумотлари	маълумотлар тўплами	5 777	7 500	8 500	10 000	Статистика агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Сунъий интеллект соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун очик шаклда тақдим этиладиган идоравий маълумотлар	маълумотлар тўплами	16	50	100	200	Рақамли технологиялар вазирлиги, Статистика агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улуши	фоиз	-	1	5	10	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	Соҳа ва тармоқларда сунъий интеллект асосида амалга ошириладиган лойиҳалар	сони	-	57	100	185	Манфаатдор вазирлик ва идоралар, Рақамли технологиялар вазирлиги

7.	IT-паркда сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи резидентлар	сони	10	20	35	50	Рақамли технологиялар вазирлиги
8.	Сунъий интеллект йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш	нафар	572	650	800	1 000	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
9.	Сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар	сони	-	6	8	10	Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
10.	IT йўналишидаги олийгоҳларда сунъий интеллект йўналишида илмий даражага эга бўлган ўқитувчилар (PhD, DSc)	нафар	-	20	25	40	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
11.	Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистоннинг ўрни	ўрин	87	75	65	50	Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегиясини 2024 — 2026
йилларда амалга ошириш бўйича**

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив- ҳуқуқий базани шакллантириш				

1.	Мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантириш.	1. Қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов якуни бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан чора-тадбирлар режаси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил апрель 2025 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашдаги этика қоидалари ва тамойилларини ишлаб чиқиш.	1. Қуйидаги йўналишларда халқаро тажрибани ўрганиш: сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришда устувор равишда инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; сунъий интеллект технологияларини қўллаш тамойилларини тартибга солувчи этика қоидалари. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил октябрь 2025 йил декабрь 2026 йил январь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Сунъий интеллектни жорий этиш, ривожлантириш ва фойдаланиш соҳасидаги шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш.	1. Илғор халқаро тажриба асосида сунъий интеллектни жорий этиш, ривожлантириш ва фойдаланиш соҳасидаги шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил май 2025 йил сентябрь 2025 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.	Рақамли технологиялар вазирлиги тузилмасидаги «Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази» давлат муассасаси негизда «Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил декабрь 2025 йил февраль 2025 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги

	маркази» давлат муассасасини ташкил этиш.			
5.	Марказий банкнинг Лойиҳалар ва жараёнларни бошқариш хизмати ҳамда Киберхавфсизлик маркази томонидан фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш, тўлов тизимлари ва хавфларни бошқариш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш.	1. Лойиҳалар ва жараёнларни бошқариш хизмати ҳамда Киберхавфсизлик маркази томонидан фирибгарликларнинг олдини олиш, тўлов тизимлари ва хавфларни бошқариш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳаларни амалга ошириш.	2025 йил январь 2025-2026 йиллар	Марказий банк, давлат улуши мавжуд тижорат банклари
6.	Рақамли ҳукумат тизимида ахборот ва компьютер хавфсизлиги механизмларини такомиллаштириш.	Сунъий интеллектни қўллаган ҳолда Рақамли ҳукумат тизимида ахборот ва компьютер хавфсизлиги механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.	2026 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирлиги
II. Соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш				
7.	Сунъий интеллект технологияларини тартибга солувчи янги миллий стандартларни ишлаб чиқиш.	1. Халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда мазкур йўналишдаги стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш. 2. Стандартлар лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиш ва тасдиқлаш.	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Сунъий интеллект технологияларини тартибга солувчи 9 та миллий стандартни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.	1. Амалдаги миллий стандартларни хатловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш. 2. Хатлов якуни бўйича миллий стандартларнинг янги таҳрирларини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда келишиш ва тасдиқлаш.	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
9.	Халқаро экспертлар иштирокида маҳаллий стандартларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш бўйича семинарлар ўтказиш.	1. Стандартлаштириш соҳасидаги хорижий илғор компаниялар ва экспертлар рўйхатини шакллантириш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш.	2025 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

		2. Хорижий илғор компаниялар ва экспертларни жалб қилган ҳолда маҳаллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича семинарлар ўтказиш.	2025 йил ноябрь	
10.	Сунъий интеллект соҳасидаги халқаро стандартлар, илғор тажриба ва технологияларни маҳаллий даражада татбиқ этиш бўйича хорижий илмий ва технологик компаниялар билан мунтазам ҳамкорликни олиб бориш.	Стандартлаштириш соҳасидаги хорижий илғор компаниялар билан ҳамкорликда халқаро стандартлар, илғор хорижий тажриба ва технологияларни маҳаллийлаштиришни йўлга қўйиш.	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
11.	Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларда сунъий интеллект йўналиши бўйича фаол иштирокини таъминлаш ва имижини шакллантириш.	Минтақавий ва халқаро ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларда сунъий интеллект йўналиши бўйича фаол иштирокини таъминлаш ва имижини шакллантириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
III. Сунъий интеллект технологиялари асосида маълумотларни қайта ишлаш учун техник инфратузилмани шакллантириш				
12.	Сунъий интеллект технологияларини амалга ошириш бўйича параллель ҳисоблашни амалга ошириш, машинавий ўргатиш ва бошқа лойиҳалар учун зарур бўлган график ишлов бериш блокларини (GPU) ўз ичига олган юқори самарали ҳисоблаш кластерини ишга тушириш.	1. Хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда комплекс таҳлил методларини сунъий интеллект ёрдамида қўллаш. 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ харид жараёнларини амалга ошириш.	2025 йил март 2025 йил август 2026 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирлиги, Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти
13.	Маълумотларни тўплаш, сақлаш ва шакллантириш учун ихтисослаштирилган «катта маълумотлар» базаси сервер	1. Хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда комплекс таҳлил методларини сунъий интеллект ёрдамида қўллаш. 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни белгиланган	2025 йил январь 2025 йил май	Рақамли технологиялар вазирлиги, Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни

	қурилмаларини ишга тушириш.	тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сервер қурилмаларини ишга тушириш.	2026 йил июнь	ривожлантириш маркази, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти
IV. Аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш				
14.	Истеъдодли ёшларни сунъий интеллект йўналиши бўйича дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш бўйича тегишли чоралар кўриш.	1. Сунъий интеллект йўналиши бўйича иқтидорли ёшлар рўйхатини шакллантириш ва танлов асосида саралаш. 2. Халқаро миқёсда эътироф этилган 300 та энг яхши академик рейтингга эга ёки сунъий интеллект йўналиши бўйича 100 та етакчи хорижий университетларнинг бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича очик стипендия танловларида белгиланган квоталарга қўшимча равишда 5 та мақсадли ўрин ажратиш. 3. Танланган номзодларни хорижий олий таълим муассасаларига таълим олишга юбориш ва уларнинг ўқув жараёнларини назорат қилиш.	2025 йилдан бошлаб доимий равишда	«Эл-юрт умиди» жамғармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Вазирлик ва идораларнинг сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга масъул бўлган мутахассислари ва илмий-тадқиқот институтларининг профессор-ўқитувчилари малакасини хорижий мамлакатларда ошириш.	1. Мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни танлов асосида саралаш. 2. Саралаб олинган номзодларни халқаро миқёсда эътироф этилган хорижий университетлар ва илмий-тадқиқот институтларида малака ошириш курсларига юбориш.	2025- 2026 йиллар	«Эл-юрт умиди» жамғармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
16.	Давлат улушига эга тижорат банклари томонидан ҳар йили камида бир нафар рақамлаштириш бўйича бошқарув	1. Малака ошириш учун юбориладиган мутахассислар рўйхатини шакллантириш. 2. Саралаб олинган номзодларни халқаро миқёсда эътироф этилган хорижий	2025 йил 1 январдан бошлаб доимий	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, давлат улушига эга тижорат банклари

	ходимларининг хорижий таълим муассасаларида сунъий интеллект йўналишида малака оширишини йўлга қўйиш.	университетлар ва илмий-тадқиқот институтларига малака ошириш курсларига юбориш.		
17.	Сунъий интеллект йўналиши бўйича олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида лабораториялар ташкил этиш.	1. Тадқиқот лабораторияларининг техник параметрларини тасдиқлаш. 2. Техник параметрларга мувофиқ зарур ускуна ва жиҳозлар харидини амалга ошириш. 3. Тадқиқот лабораториялар учун ажратилган бино-иншоот ёки махсус хоналарни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш. 4. Қуйидаги муассасаларда сунъий интеллект йўналиши бўйича лабораториялар ташкил этиш: Тошкент ахборот технологиялари университети; Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети; Тошкент иқтисодиёт университети; «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети; Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти.	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
18.	Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, тижорат банклари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг сунъий интеллект йўналишидаги билим ва малакаларини ошириш тизимини йўлга қўйиш.	1. Хорижий етакчи университет ва компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш. 2. Ўқув дастурини ҳамкорликда ишлаб чиқиш. 3. Гибрид форматдаги (онлайн ва анъанавий) ўқитиш жараёнини йўлга қўйиш.	2024 йил декабрь 2025 йил март 2025 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирлиги, Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази, Рақамли технологиялар ва

				сунъий интеллект институти
19.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини, шу жумладан, сунъий интеллект соҳасида фаолият юритувчи дастурчиларни сунъий интеллектни жорий этиш ва қўллаш бўйича малака ошириш курслари ҳамда тренингларга, шу жумладан, ихтисослаштирилган йўналишларга жалб этиш.	1. Малака ошириш курслари учун ўқув дастурлари ва материалларини яратиш. 2. Малака ошириш курслари жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ихтисослашган йўналишлар бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.	Хар йили августда Хар йили сентябрда Хар йили октябрда	Рақамли технологиялар вазирлиги, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект институти, республика ижро этувчи ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органлари
20.	Сунъий интеллект соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш.	1. Халқаро ташкилотларнинг экспертларини жалб қилиш ва улар томонидан жорий ҳолатни таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил май 2025 йил сентябрь	Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект институти
21.	Вазирлик ва идоралар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган электрон хизматларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.	1. Электрон шаклда кўрсатилаётган давлат хизматларини хатловдан ўтказиш. 2. Электрон хизматларга сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида шакллантириладиган «катта
маълумотлар»
РЎЙХАТИ**

Т/р	Рақамли маълумотлар номи	Маълумот тури	Маълумотлар ҳажми	Янгиланиш даврийлиги	Масъул ташкилотлар
1.	Макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг алоҳида йўналишлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	500 та	Статистика дастурига мувофиқ	Статистика агентлиги

	кесимидаги кўрсаткичлари				
2.	Тупроқларнинг таркиби ва минераллашуви ҳақидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	5 мингта	Ҳар йили	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
3.	Ерости сувлари сатҳи датчикларидан олинган табиий-иқлим маълумотлари	Тасвир	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
4.	Сувнинг сифат кўрсаткичи ҳамда ифлосланиш сабаблари тўғрисидаги маълумотлар	Тасвир ва видео	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	Сув хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
5.	Худудий сув таъминоти корхоналари томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ичимлик сув ҳажми тўғрисидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	«Ўзсувтаъминот» АЖ
6.	Ичимлик сувнинг сифат кўрсаткичи тўғрисидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	«Ўзсувтаъминот» АЖ
7.	Жамоат транспорти ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви, географик маълумотлар	—	Доимий	Транспорт вазирлиги
8.	Жамоат транспортида йўловчиларнинг ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви, географик маълумотлар	—	Доимий	Транспорт вазирлиги
9.	Автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар	Матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	Ички ишлар вазирлиги
10.	Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотлар	Тасвир ва видео	5 мингта	Ҳар ярим йилликда	Ички ишлар вазирлиги
11.	Бино-иншоотларда аниқланган ёриқлар тасвири	Тасвир	10 мингта	Ҳар ярим йилликда	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

12.	Ўрмон хўжалиги, нефть-газ ва кимё маҳсулотларини сақловчи омборхоналар, пахта сақлаш пунктларидаги ёнғинлар тўғрисидаги маълумотлар	Тасвир	1 мингта	Ҳар ярим йилликда	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
13.	Маиший ва саноат чиқиндилари сақланадиган полигонлар фотосуратлари	Тасвир	6 мингта	Ҳар ярим йилликда	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
14.	Иқлим ва об-ҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар	Тасвир, матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви	12 мингта	Ҳар ярим йилликда	Гидрометеорология хизмати агентлиги
15.	Инсон ҳаракатларини акс эттирувчи тасвир маълумотлари	Тасвир ва видео	15 мингта	Ҳар ярим йилликда	Рақамли технологиялар вазирлиги
16.	Инсонларнинг нутқларини ифодаловчи овозли маълумотлар тўплами	Аудио	10 мингта	Ҳар ярим йилликда	Рақамли технологиялар вазирлиги
17.	Инсон органларининг (юрак, ўпка, жигар, бош мия ва бошқалар) компьютер томографияси ва маммографияси (КТ, МРТ, МСКТ ва бошқалар) тасвир маълумотлари	Тасвир	20 мингта	Ахборот тизими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
18.	Жигар саратони диагностикаси маълумотлари	Тасвир	10 мингта	Ахборот тизими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
19.	Қалқонсимон без саратони ташхисининг тасвири маълумотлари	Тасвир	10 мингта	Ахборот тизими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
20.	Оғиз бўшлиғи касалликлари диагностикасининг маълумотлари	Тасвир	10 мингта	Ахборот тизими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

21.	Ҳомиладорлик давридаги ультратовуш текшируви тасвири маълумотлари	Тасвир	5 мингта	Ахборот tizими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
22.	ЭХОКГ, ЭКГ ва холтер мониторинг маълумотлари	Тасвир	5 мингта	Ахборот tizими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
23.	Талаффузида нуксони бор инсонларнинг нутқларини ифодаловчи овозли маълумотлар тўплами	Аудио	1 мингта	Ахборот tizими яратилгандан сўнг ҳар йили	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
24.	Имо-ишора тилига доир инсон ҳаракатларини акс эттирувчи тасвир маълумотлари	Тасвир ва видео	15 мингта	Ҳар ярим йилликда	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
25.	Ўзбекистон Миллий гербарий фондининг рақамлаштирилган намуналари	Тасвир	10 мингта	Ҳар йили	Фанлар академияси

Изоҳ: ушбу рўйхатда келтирилган барча маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда (шу жумладан, эгасизлантирилган ҳолда) тақдим этилади.

Рўйхатда келтирилган матн кўринишидаги маълумотлар алмашинуви JSON форматида амалга оширилади.

Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тақдим этиладиган маълумотлар шакли ва форматига аниқлик киритилиши мумкин.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.10.2024 й., 07/24/358/0825-сон)